



Ф.Ташмухамедов

«16» сентябри 2022 йил

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

"Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати юзасидан энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур ҳужжат "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати учун энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш (кейинги ўринларда танлаш деб юритилади), жумладан танлаш таклифларини бериш, уни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва баҳолаш, танлов натижалари бўйича шартнома тузиш тартибини белгилайди.

1.2. "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида ўтказилади.

2. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

2.1. Танлаш иштирокчилари (мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган ишларни бажариш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар)нинг таклифлари рақамланган, муҳр қўйилган ва талабгорнинг ваколатли шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ҳужжатлар электрон тарзида махсус ахборот портали орқали тақдим этилади. Унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлар инobatга олинади.

2.2. Танлов талабгори битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

2.3. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

2.4. Танлов талабгори тақдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

2.5. Танловга таклифларни қабул қилиш эълонда кўрсатилган вақтда тугатилади.

3. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

3.1. Корхона тўғрисида умумий маълумотлар

3.2. Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар

3.3. Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар

3.4. Таклиф қилинган ишни бажариш учун смета ҳужжатлари (оферта, калькуляция)

4. Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан тушунтиришлар

4.1. Иштирокчилар харид қилиш ҳужжатлари ва танлаш юзасидан тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиши ҳақли ва тушунтириш бериш тўғрисида сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга сўров шакли билан бир хил шаклда жавоб тақдим этилади. Тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиш тугайдиган сана таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир кун олдинги кун ҳисобланади.

5. Иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатиш шартлари.

5.1. Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатади, агар:

У тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса
унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилнинг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

6. Танлаш предмети

6.1. "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати.

6.2. "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати хизматларини бажариш учун тақдим этиладиган максимал нарх (*ҚҚС билан*): **25 000 000** (йигирма беш миллион) сўм.

7. Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот

7.1. Буюртмачи – Ўзбекистон Бадий академияси;

Манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси 35-уй.

Тел: +99893 312 47 54 (09:00 дан 18:00 гача)

7.2. Танлаш Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси 35-уй, эълон муддати тугаган кундан бошлаб бир иш кунидан кейинги кун (шанба, якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади) соат 15:00да ўтказилади. Танлаш харид комиссияси аъзолари томонидан масофавий электрон тарзида балл бериш билан баҳоланади.

7.3. Хизматнинг муқобил вариантлари смета асосида.

7.4. Танловда иштирок этиш учун таклифлар ЎЗБЕК тилида бўлиши шарт.

8. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари.

8.1. Ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади шунингдек, тўлов ва кафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 3 иш кунида

30% олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган 70% пул маблағлари иш якунлангандан сўнг 10 банк иш кунида тўлиқ ўтказиб берилади.

8.2.Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

8.3.Иштирокчи танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

9. Танлов иштирокчиларининг баҳолаш мезони

Мазкур мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга асосан ишлаб чиқилган.

Баҳолаш мезони Буюртмачи – Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Танловга қўйилган хизматни бажариш мақсадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вақтида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб тамоилини амалга оширишнинг тури тушинилади.

Иштирокчилар кўйидаги хужжатларни электрон тарзида тегишли танлов портали орқали тақдим этишлари лозим.

1. Номзод хўжалик юртурувчи субъектнинг Устави нусхаси.
2. Гувоҳнома нусхаси.
3. Танлов комиссия раиси номига танловда иштирок этиш бўйича мурожаат хати (*фирменный бланка*).
4. Кафолат хати.
5. Танлов иштирокчиларининг таклиф қилган корхонасининг энг камида уч йиллик тажрибага эга бўлишлиги.
6. Танлов иштирокчиси шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, базаси борлиги ҳақида ташкилотга тегишлилиги ҳақида маълумот.
7. Карататека -2 да қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот
8. Кадрларга оид ва бошқа ресурсларнинг борлиги, шунингдек ишчиларнинг 3 йилдан кам бўлмаган стажга эга эканлиги ҳақида маълумот (меҳнат дафтарча нусхаси)
9. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги
10. Ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги
11. Лицензияси мавжудлиги (Агар лицензиялаш талаб этилган бўлса)
12. Тижорат таклифида ҚҚС бор йўқлиги тўлиқ кўрсатилиши лозим.
13. Ишни бажариш учун смета хужжатлари (оферта)
14. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий, тўлиқ маълумот
15. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (тасдиқловчи хужжатларни тақдим қилган ҳолда) ваколатли орган томонидан тасдиқланган.

Тақдим этилиши лозим бўлган хужжатларнинг тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга руҳсат берилмайди.

Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда амалга оширилади. Танлов таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари очилган кундан этборан узоғи билан 3 кунни ташкил этади.

Танлов комиссияси 1-йиғма жилд хужжатларини очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини баҳолаш амалга оширади.

Танлов комиссияси ички конверти (2-йиғма жилд хужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, голибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

Малака танловидан ўтган номзодларнинг тақдим этилган хужжатлари куйидаги тартибда баҳоланади.

Корхона тўғрисида умумий маълумотлар - 20 баллгача

Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар - 20 баллгача

Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар - 20 баллгача

Таклиф қилинган ишни бажариш учун смета хужжатлари (оферта, калькуляция) - 20 баллгача

Таклиф этилган нархнинг арзонлиги қиймати -20 баллгача

Танлов комиссиясининг барча қарорлари балл билан қабул қилинади, баллар тенг бўлганда комиссия раисининг балли ҳал қилувчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

Танлов комиссияси танлов хужжатлари талабларидан таклифдаги ахамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

Танлов комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиш мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консултатлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин.

Ушбу талабнома Ўзбекистон Бадий академияси масъул ходимлари Бош ҳисобчи, Хўжалик ишлари мудири, Молия вошқармаси бош мутахассиси томонидан тузиб чиқилди.

Бош ҳисобчи  У.Ахтамов

Хўжалик ишлари мудири  К.Норинов

Бош мутахассис  А.Абдуғаниев



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil «28» январь

№ ПФ–60

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини
“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид
ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Амалга ошириш харажатлари (молиялаш-тириш манбалари) | Назорат қилувчилар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---------------------------------------|-------------------|--|---|---|
| 1. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ (Масъуллар – Т.Нарбаева ва Н.Исмоилов) | | | | | | | |
| 1-мақсад. Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўйига айлантириш | | | | | | | |
| 1. | Хўдудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатларини кенгайтириш. | 1. Маҳаллалар томонидан ҳал қилинадиган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг рўйхатини тузиш амалиётини йўлга қўйиш. 2. Маҳалланинг молиявий имкониятларини кенгайтириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил июнь | Ҳисоб-китобларга асосан | Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров , Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев | Молия вазирлиги Т.Ишметов , Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов , Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов |
| 2. | Маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизимини яратиш. | 1. Аҳолининг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан видеоалоқа орқали мулоқотни босқичма-босқич ташкил этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2022 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга асосан | Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев , Ўзбекистон Республикаси | Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов , Маҳалла ва оилани қўллаб- |

| | | | | | | |
|---|---|--|-------------------------------------|-----------------------------------|--|--|
| <p>томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.</p> | <p>2. Соҳага оид материалларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича танловлар, грантлар ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>3. Оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва блогерларни пресс-турларда иштирок этиш, уларга бериладиган ижтимоий буюртмаларни қоллаш тартибини белгилаш.</p> | | 2022 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров</p> <p>Бош вазир Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов</p> | <p>Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов</p> |
| <p>273. Хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш.</p> | <p>1. Дўстлик жамиятларидаги мавжуд вакант раис лавозимларига малакали мутахассислар номзодини таклиф этиш.</p> <p>2. Дўстлик жамиятларига улар раисларининг асосий иш жойи жойлашган бинода беғараз асосда хизмат хоналарини бериш ва барча зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш.</p> <p>3. Дўстлик жамиятларини молиялаштиришнинг доимий манбаини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тақдим этиладиган субсидияни аниқлаш.</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p> | 2022 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров</p> <p>Бош вазир Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов</p> | <p>Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов</p> |
| <p>75-мақсад: Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадий-эстетик дидини юксалтириш</p> | | | | | | |
| <p>274. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш.</p> | <p>1. Қуйидаги атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг таваллудларини муносиб нишонлаш: Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги; Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги; 2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари яшаб ва ижод қилган уйларига ёдгорлик</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари</p> | 2022 йил август 2022 йил декабрь | <p>Давлат бюджетни маблағлари</p> | <p>Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов</p> | <p>Бадий академия А.Нуридинов, тегишли вазирлик ва идоралар</p> |

| | | | | | | | | | |
|------|--|---|---|---------------|-------------------------------------|---|--|---|--|
| | лавҳаларини ўрнатиш. 3. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ҳайкал ўрнатиш. 4. Ижодий кўргазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш. | | | | Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари | 2022 йил декабрь | Давлат бюджети маблағлари | Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов | Бадий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар |
| 275. | Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш. | 1. Қуйидаги халқаро санъат тadbирларини ташкил этиш: Замонавий санъат биеннаlesi; “Тошкент қувончлари” халқаро болалар расмлари биеннаlesi; “Тасвирий ва амалий санъат” фестивали 2. Ушбу халқаро санъат тadbирларининг ҳар бирига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чора-tadbирлар режасини тасдиқлаш. | Ўзбекистон Республикаси Президент и қарори лойиҳаси | 2022 йил июнь | Давлат бюджети маблағлари | Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов | Бадий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар | | |
| 276. | Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Бадий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга оид қўшимча чора-tadbирлари белгилаш. 2. Соҳа бўйича бадий ва илмий салоҳиятни кучайтириш, болалар санъатини ривожлантириш. 3. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий имкониятларини янада кенгайтириш. 4. Бадий таълим сифатини ошириш ва бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шаклларини тизимли асосда ривожлантириб бориш. 5. Жаҳон тасвирий ва амалий санъати тараққиётига ҳисса қўшган, соҳа бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган малакали номзодларни фахрий хорижий аъзоллигига тавсия этиш. | Ўзбекистон Республикаси Президент и қарори лойиҳаси | 2022 йил июнь | Давлат бюджети маблағлари | Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов | Бадий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар | | |

№31-31/1-18-13
30.08.2022 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари –
туризм ва маданий мерос вазири
Абдухакимов
УМУМИЙ
БЎЛИМ А
№ 2
2022 йил “30” август

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши
БАЁНИ 81 -сон

2022 йил “30” август

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А.А. Абдухакимов – Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва
маданий мерос вазири

Иштирок этганлар: вазирлик ва идоралар раҳбарлари (*рўйхат
асосида*)

КУН ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”
2022 йил 28 январдаги 60-сон Фармони иловаси билан тасдиқланган
давлат дастурининг 274-банди ижросини таъминлаш тўғрисида

(*Абдухакимов, Артиқхўжаев, Нуридинов, Назарбеков, ..., Абдухакимов*)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил
28 январдаги 60-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган
“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт
стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга
оширишга оид давлат дастури”нинг 274-бандига мувофиқ атоқли Ўзбекистон
халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда
улар хотирасини абадийлаштириш, ушбу тадбирларни юқори савияда ташкил
этиш билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, мажлис **қарор
қилади:**

1. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуридиновнинг
Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги
ҳамда Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги муносиб нишонлаш
борасида амалга оширилган ишлари, шу жумладан Чингиз Ахмаров хайкалини
яратиш бўйича ижодий танлов ўтказилганлиги тўғрисидаги ахбороти
маълумот учун қабул қилинсин.

2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш юбилей тадбирларнинг ўтказиш бўйича Чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тадиқлансин.

3. Ўзбекистон Бадий академиясининг:

а) Чингиз Ахмаров ҳайкалини Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шароф Рашидов кўчаси 40-уйда жойлашган Бадий кўرғазмалар дирекциясида ўрнатиш;

б) ҳайкал постаментини тайёрлаш, ҳайкални яратиш, ўрнатиш ҳамда атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш бўйича:

Ўзбекистон Бадий академияси – буюртмачи этиб;

бош лойиҳачи, пудратчи этиб – танлов савдолари орқали аниқланадиган бош лойиҳачи ва пудрат ташкилотларини белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Молия вазирлиги Чингиз Ахмаров ҳайкалини яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ барча харажатларни 2022 йилда ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Бадий академиясига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

5. **Бадий академия** (Нуридинов) Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ижодий кўрғазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказсин.

6. **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** (Хаджаев), **Бадий академия** (Нуридинов) Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ҳамда Зинаида Ковалевскаянинг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган барча тадбирларни кенг ёритиш, махсус видеороликлар тайёрлаш, эфирга узатиб бориш вазифаси тавсия қилинсин.

7. **Бадий академия** (Нуридинов), **Халқ таълим вазирлиги** (Саидов) Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ҳамда Зинаида Ковалевскаянинг ижодини ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ижоднинг тилсими” мавзусида расмлар танлови ўтказилсин.

8. **“Тасвирий ойна” уюшмаси** (Латипов) Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим этилган дизайн асосида босма маҳсулотларни (баннер, сертификат) ҳомийлик тарзда нашр этсин.

9. Мазкур мажлис баёнининг ижросини назорат қилиш Туризм, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари қотибияти ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуридинов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил “__” августдаги _____-сон баёнига

ИЛГОЗ

**Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш юбилей тадбирларининг ўтказиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш мuddати | Моиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|-----|--|---|-----------------------|--|---|
| 1. | Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров хайкалини яратиш | 1. Хайкалнинг ижодий ва техник параметрларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси Эксперт кенгашида тасдиқлансин 2. Хайкални яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 3. Хайкални белгиланган эскизларга мувофиқ яратиш. | 2022 йил ноябрь | Бадий академияга ажратилган маблағлар ҳисобидан | Бадий академия (Нуридинов), Молия вазирлиги (Ишметов) |
| 2. | Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ижодий кўргазма ташкил этиш, амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш. | 1. Кўргазма учун ижодий асарларни йиғиш. 2. Кўргазмани ўтказиш. | 2022 йил октябрь | Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан | Бадий академия (Нуридинов), манфаадор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|-------------------------|---|--|
| <p>3. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган конференция ташкил этиш.</p> | <p>1. Конференция ўтказиш учун ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан конференция концепциясини ишлаб чиқиш. 3. Конференцияга қизиқиш билдирган талаба ва ўқувчиларни ихтиёрий тарзда дарсдан бўш вақтларда Конференцияга ташрифини уюштириш. 4. Ишлаб чиқилган концепция асосида конференция ўтказиш.</p> | <p>2022 йил октябрь</p> | <p>Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан</p> | <p>Бадий академия (Нуридинов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> |
| <p>4. Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ҳамда Зинаида Ковалевскаянинг ижодини ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ижоднинг тилсими” мавзусида расмлар танловини ўтказиш.</p> | <p>1. “Ижоднинг тилсими” расмлар танловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан танловнинг Низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган Низом асосан ўтказиладиган танловни ўқувчиларига эълон қилиш. 4. Танловни ўтказиш. 5. Танлов якунида ғолибларни хомийлар томонидан муносиб тақдирлаш.</p> | <p>2022 йил ноябрь</p> | <p>Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан</p> | <p>Бадий академия (Нуридинов), Халқ таълим вазирлиги (Саидов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> |